

ТРАНСНАЦИОНАЛ ОДАМ САВДОСИНИНГ РАҚАМЛИ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Уринов Одилбек Лазизович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ

Тезкор-қидирув департаменти масъул ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21553258>

Аннотация: Мазкур тезисда одам савдосининг хуфиёна тармоқлар (Dark Web) ва марказлашмаган криптографик тизимлар орқали амалга оширилаётган глобал трансформацияси тадқиқ этилган. Тадқиқот доирасида жиноий активларни яширишга хизмат қилувчи “молиявий изни рақамли йўқ қилиш” феномени ва жиноятнинг объектив томони рақамлашганлиги муаммолари таҳлил қилинган. Ушбу янги авлод таҳдидларига қарши курашиш мақсадида миллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида “Крипто-криминалистика” институтини жорий этиш ҳамда Жиноят-процессуал кодексида электрон далилларни музлатишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: транснационал одам савдоси, рақамли эволюция, хуфиёна тармоқ, крипто-криминалистика, рақамли молиявий анонимлик, электрон далиллар, Будапешт конвенцияси, экстерриториаллик

ЦИФРОВАЯ ЭВОЛЮЦИЯ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ БОРЬБЫ С НЕЙ

Уринов Одилбек Лазизович

Ответственного сотрудника Оперативно-розыскного
департамента МВД Республики Узбекистан.

Аннотация: В данных тезисах исследуется глобальная трансформация торговли людьми, осуществляемая через скрытые сети (Dark Web) и децентрализованные криптографические системы. В рамках исследования проанализированы феномен «цифрового уничтожения финансового следа», служащий сокрытию преступных активов, и проблемы цифровизации объективной стороны преступления. В целях противодействия этим угрозам нового поколения выдвинуты научно-практические предложения по внедрению института «Криптокриминалистики» в национальную правоохранительную систему и созданию правовых механизмов замораживания электронных доказательств в Уголовно-процессуальном кодексе.

Ключевые слова: транснациональная торговля людьми, цифровая эволюция, скрытая сеть, криптокриминалистика, цифровая финансовая анонимность, электронные доказательства, Будапештская конвенция, экстерриториальность.

DIGITAL EVOLUTION OF TRANSNATIONAL HUMAN TRAFFICKING AND IMPROVEMENT OF INSTITUTIONAL MECHANISMS TO COMBAT IT

Urinov Odilbek Lazizovich

Responsible officer of the Operational-Search

Department of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Abstract: This thesis investigates the global transformation of human trafficking carried out through hidden networks (Dark Web) and decentralized cryptographic systems. The study analyzes the phenomenon of "digital destruction of the financial footprint," which serves to hide criminal assets, and the problems of digitalization of the objective side of the crime. In order to counter these new-generation threats, scientific and practical proposals have been put forward for introducing the institute of "Crypto-criminalistics" into the national law enforcement system and creating legal mechanisms for freezing electronic evidence in the Criminal Procedural Code.

Key words: *transnational human trafficking, digital evolution, Dark Web, crypto-criminalistics, digital financial anonymity, electronic evidence, Budapest Convention, extraterritoriality.*

Кибер-макондаги одам савдосининг криминалогик механизмини таҳлил қилишда фақатгина “очиқ интернет” (Surface Web) – ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар билан чекланиш, масаланинг энг хавfli қисмини эътибордан четда қолдириш демакдир. Бугунги ривожланган дунёда ижтимоий тармоқлар асосан потенциал жабрдийдаларни излаш ва ёллаш учун хизмат қилса, транснационал жиной гуруҳларнинг асосий логистик, савдо ва молиявий операциялари интернетнинг ёпиқ, яширин қатлами – “Dark Web” (хуфиёна тармоқ) ва марказлашмаган криптографик тизимлар орқали амалга оширилмоқда.

Мазкур ўта мураккаб ва ёпиқ криминал экотизимни тадқиқ қилган америкалик олим С. Кара замонавий қуликнинг технологик трансформациясини чуқур очиб беради. Унинг илмий таҳлилларига кўра, Dark Web одам савдогарлари учун мутлақо хавфсиз, аноним ва глобал миқёсдаги “криминал биржа” вазифасини ўтамоқда. Ушбу хуфиёна тармоқлардаги шифрланган форумларда жабрдийдалар худди буюм ёки товар сингари махсус каталогларга киритилиб, уларнинг жисмоний параметрлари, ёши ва психологик хусусиятлари батафсил тавсифланган ҳолда онлайн кимовиди савдоларига (аукционларга) қўйилмоқда. Энг асосийси, С. Кара жинойтнинг иқтисодий қон томири бўлган молиявий транзакциялар тўлиқ крипто-ҳамёнлар орқали амалга оширилишини, бу эса жинойтчиларга миллий чегараларни четлаб ўтиб, миллионлаб долларлик ноқонуний маблағларни сониялар ичида изсиз ҳаракатлантириш имконини бераётганини исботлайди¹.

Жинойтнинг бундай молиявий-технологик эволюцияси анъанавий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг “пул изидан бориш” тактикасини бутунлай фалаж қилиб қўяди. Ушбу муаммони криминалогик жиҳатдан таҳлил қилган таниқли рус олими А.И. Чучаев ва бошқалар электрон тўлов тизимлари ҳамда криптовалюталарнинг одам савдосини

¹ Kara, Siddharth. Modern Slavery: A Global Perspective. – New York: Columbia University Press, 2017. – P. 112-118.

молиялаштиришдаги ўрнига баҳо берадилар. Олимларнинг таъкидлашича, блокчейн технологияси ва марказлашмаган, анонимлик даражаси ўта юқори бўлган криптовалюталар (масалан, Bitcoin) жиноятчиларга мутлақ молиявий дахлсизликни тақдим этди².

А.И. Чучаевнинг фикрича, бугунги кунда одам савдосидан тушган даромадларни легаллаштириш учун анъанавий банк тизимидан фойдаланиш, офшор зоналарда сохта компаниялар тузишга ҳожат қолмади; жиноий активлар тўғридан-тўғри транзит электрон ҳамёнлар орқали кўринмас ҳолга келтирилмоқда. Олим бу ҳолатни “молиявий изни рақамли йўқ қилиш” феномени деб атайди ва бу замонавий криминалистика ва молиявий мониторинг органлари олдидаги энг йирик чақириқ эканлигини уқтиради³.

Бугунги кунда одам савдоси жиноятининг объектив томони нисбатан рақамли ва криптографик воқеликка кўчган бўлиб, жиноятчиларнинг Dark Web даги ҳаракатлари ва крипто-транзакциялари классик жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал нормалари билан қамраб олинмаган юридик бўшлиқ (вакуум) шароитида жадал ривожланмоқда. Шу сабабли, ушбу жиноятнинг янги авлод таҳдидларини аниқлаш ва унга қарши институционал механизмларни такомиллаштириш объектив заруратга айланган.

С. Каранинг макроиктисодий “криминал биржа” назарияси ва А.И. Чучаевнинг “рақамли молиявий анонимлик” концепциясини умумлаштирган ҳолда, мазкур тадқиқот доирасида куйидаги муаллифлик позициясини илгари сурамиз: бугунги кунда одам савдоси жиноятининг объектив томони тўлақонли рақамли ва криптографик воқеликка кўчмоқда. Жиноятчиларнинг хуфиёна тармоқлардаги (Dark Web) ҳаракатлари ва крипто-транзакциялари классик жиноят ҳуқуқи ва жиноят-процессуал нормалари билан қамраб олинмаган юридик бўшлиқ (вакуум) шароитида жадал ривожланмоқда. Бундай мураккаб шароитда анъанавий ҳуқуқни муҳофаза қилиш усуллари ўз самарадорлигини йўқотади, чунки жиноятнинг на жисмоний макони, на анъанавий молиявий изи (банк ўтказмалари) мавжуд бўлади.

Шу сабабли, миллий превенция ва тергов амалиётимизда мутлақо янги криминалистик механизм – “Крипто-криминалистика” (блокчейн-таҳлил) институтини ва тегишли қонунчилик базасини зудлик билан жорий этиш тақозо этилади. Ички ишлар органлари ҳамда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти таркибида хуфиёна тармоқлардаги трафикни кузатувчи ҳамда крипто-ҳамёнлар ўртасидаги шубҳали транзакцияларни блокчейн алгоритмлари орқали деанонимизация (шахсини аниқлаш) қилувчи ихтисослашган “Рақамли молиявий разведка” бўлинмаларини ташкил этиш тақлиф этилади. Фақатгина жиноятнинг виртуал молиявий қон томирини (яъни, криптовалюталардаги пул оқимларини) блокчейн даражасида кесиш орқалигина транснационал кибер-одам савдосининг бутун бир уюшган тармоғини йўқ қилиш мумкин.

² Чучаев А.И., Грачева Ю.В., Маликов С.В. Оборот криптовалюты и криминализация финансирования торговли людьми. // Актуальные проблемы российского права. – 2019. – № 8. – С. 134-139.

³ Ўша манба.

Гарчи бугунги кунга қадар Ўзбекистоннинг миллий суд-тергов амалиётида одам савдосини бевосита криптовалюталар ёки хуфиёна тармоқлар орқали молиялаштириш билан боғлиқ тугалланган жиноят иши расман қайд этилмаган бўлса-да, глобал технологик ривожланиш суръатлари бу хавфнинг яқин келажакда реалликка айланишини муқаррар қилмоқда. Бунинг яққол тасдиғи сифатида сўнгги йиллар ичида миллий криминоген амалиётимиз учун мутлақо ёт бўлган, аввал кузатилмаган янги транснационал жиноят турларининг кириб келганлигини кўрсатиш мумкин. Хусусан, статистикага мурожаат қилсак, 2024 йилда Ўзбекистонда илк бор инсон аъзоларини трансплантация қилиш мақсадидаги одам савдоси фош этилган бўлса, 2025 йилга келиб трансчегаравий суррогат оналик билан боғлиқ ўта мураккаб жиноят ишлари қайд этилди⁴.

Транснационал уюшган жиноятчилик эволюциясидаги бундай шиддатли тенденция яқин йиллар ичида жиноий гуруҳлар миллий юрисдикциямизда ҳам электрон аноним тўловларга (крипто-транзакцияларга) ва хуфиёна ёллаш тизимларига ўтишини прогноз қилишга имкон беради. Бу эса мазкур янги авлод таҳдидларига қарши институционал ҳамда процессуал тайёргарликни бевосита бугундан бошлашга энг жиддий илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Глобал кибер-одам савдосининг криминологик ва молиявий механизмларини таҳлил қилгандан сўнг, мазкур жиноятни миллий қонунчилигимиз доирасида квалификация қилиш ва унинг объектив томонини баҳолаш масаласига тўхталиш мантиқан мақсадга мувофиқдир. Анъанавий жиноят ҳуқуқида одам савдосининг объектив томони одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш каби аниқ жисмоний ҳаракатларда намоён бўлади. Бироқ, жиноятнинг виртуал маконга кўчиши бу ҳаракатларнинг юридик табиатини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ушбу трансформациянинг умумий назарий асослари Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олимлари томонидан тайёрланган “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи” номли ўқув қўлланмасида чуқур ёритилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, кибержиноятчиликнинг, жумладан виртуал одам савдосининг энг асосий хавфи – бу жиноятнинг экстерриториал (чегара билмас) хусусияти ва жиноят қуролининг тўлиқ рақамлашганлигидир⁵. Жиноятчи жисмонан бир қитъада туриб, серверлари бошқа қитъада жойлашган ижтимоий тармоқлар (мисол учун, АҚШда жойлашган Meta серверлари) орқали учинчи бир давлатдаги (масалан, Ўзбекистондаги) фуқарони жиноят жабрдийдасига айлантириши мумкин. Бу эса миллий тергов органларининг юрисдикцияси ва далиллар тўплаш имкониятларини кескин чеклаб қўяди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг республика бўйича 2023-2025 йилларда ҳисобга олинган жиноятлар ҳақидаги маълумотлари асосида.

⁵ Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг криминологик тавсифи. Ўқув қўлланма / И.Исмаилов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – Б. 56-59.

Мазкур фикрни ўзининг монографик тадқиқотларида ривожлантирган маҳаллий олимамиз Ф.Х. Бакаева одам савдосининг интернет орқали трансмиллий кўриниш олишини замонавий таҳдидларнинг энг юқори чўққиси сифатида баҳолайди. Олиманинг илмий позициясига кўра, бугунги кунда жиноятнинг трансмиллий характерга эга бўлиши учун жабрдийданинг албатта давлат чегарасини жисмонан кесиб ўтиши шарт эмас. Интернет тармоғининг ўзи виртуал транснационал ҳудуд ҳисобланади⁶. Жабрдийда ўз уйида, компютери ёки смартфон қаршисида ўтирган ҳолда хорижий ёлловчиларнинг психологик манипуляциясига учраши ва сохта электрон таклифларга рози бўлиши билан жиноятнинг транснационал объектив томони (хусусан, ёллаш ва топшириш босқичлари) тўлиқ шаклланиб бўлади.

Бироқ, миллий тергов амалиётимиздаги энг катта муаммо шундаки, жиноятнинг ушбу янгича объектив томонини исботловчи электрон далиллар (ёзишмалар, электрон шартномалар, транзакциялар) ўта беқарор ва тезкор йўқ қилиниш хусусиятига эга. Жиноятчилар жабрланувчи чегарани кесиб ўтиши билан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қидирув бошланганини сезишлари ҳамоноқ, бутун чатлар, аккаунтлар ва электрон изларни масофадан туриб, бир неча сония ичида ўчириб юборадилар. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексимизда белгиланган тафтиш тайинлаш, суд ажримини олиш ва халқаро сўровнома юбориш каби бюрократик жараёнлар ойлаб вақт олади ва бу давр ичида барча муҳим электрон далиллар бутунлай йўқ қилинади.

Транснационал одам савдосининг рақамли эволюцияси, хуфиёна тармоқлар ва электрон далиллар билан боғлиқ криминалогик ва процессуал муаммоларни комплекс таҳлил қилиш натижасида қуйидаги илмий-амалий таклифлар илгари сурилади:

Биринчидан, транснационал уюшган гуруҳларнинг логистик ва молиявий операциялари бутунлай хуфиёна тармоқларга (Dark Web) ва марказлашмаган крипто-ҳамёнларга кўчганлиги сабабли, анъанавий молиявий мониторинг усуллари ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Шу муносабат билан, миллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибида “Рақамли молиявий разведка” (Крипто-криминалистика) институтини ва тегишли махсус бўлинмаларни зудлик билан жорий этиш лозим.

Иккинчидан, рақамли муҳитда жиноятнинг объектив томони (ёллаш, ташиш, топшириш) тубдан ўзгарганлигини ва бу миллий тергов амалиётида жиноятни квалификация қилишда жиддий чалкашликларни келтириб чиқараётганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларига: “ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали амалга оширилган электрон ёзишмалар, юборилган виртуал чипталар ва сохта онлайн шартномалар жиноятга тайёргарлик кўриш эмас, балки жиноятнинг объектив томони (ёллаш босқичи) тўлиқ тугалланганлигини англатади” мазмунидаги раҳбарий тушунтиришни киритиш тақозо этилади.

⁶ Бакаева Ф.Х. Одам савдосига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2018. – Б. 112-115.

Учинчидан, электрон далилларнинг ўта беқарорлиги ва масофадан йўқ қилиниш хавфи юқорилигини инобатга олиб, миллий Жиноят-процессуал кодексига Будапешт конвенциясининг (Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенция) илғор стандартлари асосида “Электрон (рақамли) далилларни тезкор сақлаб қолиш ва музлатиш” махсус процессуал институтини жорий этиш. Бу норма орқали тергов органларига рақамли далилларни йўқ қилинишидан олдин, ижтимоий тармоқ маъмуриятларидан зудлик билан (суд ажримини кутмасдан) музлатиб қўйишни талаб қилиш ваколатини бериш шарт.